



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№2
2026



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 -yil, 2-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008-yil 31-dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

Tahririyat a’zolari:

Mas’ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardayev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardayeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay’ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:

O.M.Pardayev – SamISI prorektori, iqtisod fanlari doktori,
professor

Tahrir hay’ati a’zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

D.H.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрни	5
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар мувозанатининг аҳамияти	9
Dr. Okszana KISZIL Between the two worlds: migrant children and adaptation strategies	12
Зарина Муродовна Мухаммедова Ўзбекистонда облигациялар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва стратегик йўналишлари	17
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Qishloq xo‘jaligida yetishtiriladigan sigir sutining sifat ko‘rsatkichlari	20
Джунайдилло Садиевич Файзиев, Азизахон Мамасидикова Положительные и отрицательные аспекты использования пальмового масла в пищевой промышленности	23
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Lola Nazarovna Xalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Muxammadjon Mansur o‘g‘li Xojiyev O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’siri	28
Anvar Nematovich Xoliqulov Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mehnatning xarakteri va manfaatlar mushtarakligi	33
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Абдумалик Бектемиров, Дилшод Фархадович Насиров Оценка эффективности инновационно-инвестиционной стратегии предприятий сферы услуг Республики Узбекистан	36
Рузбой Нормухоматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов, Шерзод Мирзаали ўғли Музаффаров Соғломлаштириш хизматларида B2 витамини (рибофлавин)нинг ўрни, очилиш тарихи, аҳамияти, манбалари, етишмаслигининг олдини олиш йўллари	43
Обид Мамаюнусович Пардаев Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	46
Феруз Нематуллаевич Абилов Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмини такомиллаштириш	50
Zebo Eshmaxmatovna Normurodova Maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishda sinergetik, messijerlik va geffen samaralarining o‘rni (Qashqadaryo viloyati misolida)	55
Nargiz Toxirovna Sattarova, Sultonbek Azizovich Baxromov O‘zbekistonda servis iqtisodiyoti: xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarishning zamonaviy usullari va tendensiyalari	59

Мурод Мухаммедович Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШ ҲАҚИ ВА НАРХЛАР МУВОЗАНАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада макроиқтисодиётда иш ҳақи ва нархларнинг мувозанатли даражаси масаласи ўрганилган. Иш ҳақи ва нархлар шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги очиб берилган. Шунингдек, иқтисодиётда мувозанатни таъминлашда давлат сиёсати ва бозор механизмларининг роли кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш иқтисодий барқарорликка хизмат қилишини кўрсатади.

Калит сўзлар: макроиқтисодиёт, иш ҳақи, нархлар, мувозанат, инфляция, меҳнат бозори, иқтисодий ўсиш, талаб ва таклиф, давлат сиёсати, барқарорлик.

Кириш. Замонавий иқтисодий тизимда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу барқарорликни шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик намоён бўлади. Мазкур икки кўрсаткич иқтисодиётдаги умумий мувозанатни белгилаш билан бирга, аҳоли фаровонлиги ва ишлаб чиқариш жараёнларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади [1].

Меҳнат бозорида иш ҳақининг шаклланиши ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқ бўлса, товар ва хизматлар бозорида нархлар даражаси иқтисодий фаоллик натижаси сифатида намоён бўлади [2]. Шу нуқтаи назардан, иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш иқтисодиётда барқарор ўсишга эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий назарияларда мазкур муаммога нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Классик ва неоклассик мактаб вакиллари бозор механизмлари орқали мувозанатга эришиш мумкинлигини таъкидласалар [3], кейнсиан ёндашувда бозор ҳар доим ҳам самарали мувозанатни таъминлай олмаслиги ва давлатнинг фаол аралашуви зарурлиги асослаб берилади [4]. Бу эса иш ҳақи ва нархлар динамикасини тартибга солишда иқтисодий сиёсатнинг аҳамиятини янада оширади.

Замонавий макроиқтисодий тадқиқотларда иш ҳақи ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик алоҳида ўрин тутди. Айниқса, иш ҳақининг ўсиши истеъмол талабини кенгайтириб, нархлар даражасига босим ўтказиши мумкинлиги таъкидланади [5]. Бу ҳолат макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда мувозанатли ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти шароитида ҳам иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро таъсир долзарб аҳамиятга эга. Аҳоли даромадларини оширишга қаратилган ислохотлар амалга ошириляётган бир пайтда, инфляция жараёнларини назорат қилиш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда [6].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Макроиқтисодиётда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони тадқиқ этишда турли назарий ёндашувлар шаклланган бўлиб, улар иш ҳақи ва нархлар динамикасини турлича изоҳлайди.

Классик иқтисодий мактаб вакиллари бозор механизмлари орқали иш ҳақи ва нархларнинг эркин шаклланишини асослаб берганлар. Уларнинг фикрича, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанати иш ҳақини белгиласа, товарлар бозорида нархлар умумий иқтисодий мувозанат натижасида шаклланади [1].

Неоклассик назария мазкур ғояларни ривожлантирган ҳолда, бозор шароитида ресурслар самарали тақсимланиши натижасида иқтисодиётда барқарор мувозанат қарор топишини таъкидлайди [4]. Бу ёндашувда иш ҳақи ва нархлар мослашувчан омиллар сифатида қаралади.

Замонавий тадқиқотларда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги боғлиқлик инфляция жараёнлари билан уйғун ҳолда таҳлил қилинади. Хусусан, иш ҳақи ўсиши ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик макроиқтисодий моделларда кенг ёритилган [2]. Филлипс томонидан илгари сурилган ёндашув эса ишсизлик ва инфляция ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатади [5].

Миллий иқтисодиёт доирасидаги тадқиқотлар ҳам иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро таъсир мавжудлигини тасдиқлайди. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида иш ҳақи ўсиши аҳоли даромадларини ошириш билан бирга, айрим ҳолларда инфляцион босимни кучайтириши қайд этилган [6; 7].

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш мақсадида комплекс илмий ёндашувлардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида назарий, эмпирик ва статистик таҳлил усуллари уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Макроиқтисодиётда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги муносабат иқтисодий тизимнинг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Иш ҳақи меҳнат бозорида шаклланиб, у ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланади. Шу билан бирга, нархлар товар ва хизматлар бозоридаги умумий талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқ ҳолда шаклланади [1].

Иш ҳақининг ўсиши, одатда, аҳолининг даромадларини оширади ва бу эса ўз навбатида истеъмол талабининг ортишига олиб келади. Талабнинг ошиши эса нархлар даражасига босим ўтказиб, инфляция жараёнларини келтириб чиқариши мумкин [2]. Шунинг учун иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кейнсиан назарияга кўра, иш ҳақи қатъийлиги (яъни тез ўзгармаслиги) меҳнат бозорида нумуванат ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу эса ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлиши мумкин [7]. Бундай шароитда давлат иқтисодиётга аралашиб, фискал ва пул-кредит сиёсати орқали умумий талабни рағбатлантириши лозим.

Бошқа томондан, классик ва неоклассик ёндашувларда иш ҳақи ва нархлар эркин бозор шароитида ўз-ўзидан мувозанатга келади деб қаралади. Ушбу ёндашувга кўра, меҳнат бозорида ортикча таклиф (ишсизлик) юзага келса, иш ҳақи пасаяди ва бу иш берувчилар учун меҳнатни арзонлаштириб, бандликни оширади [3].

Замонавий макроиқтисодий моделларда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги боғлиқлик инфляция ва ишсизлик ўртасидаги муносабат орқали ҳам таҳлил қилинади. Жумладан, Филлипс эгри чизиги ишсизлик даражаси билан инфляция ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади [4]. Бу эса иш ҳақининг ўсиши инфляцияга қандай таъсир кўрсатишини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон иқтисодиёти мисолида ҳам иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро таъсирни кузатиш мумкин. Кейинги йилларда иш ҳақининг босқичма-босқич оширилиши аҳоли даромадларини кўпайтирди, бироқ айрим ҳолларда бу инфляция даражасининг ўсишига ҳам таъсир кўрсатди [5]. Давлат статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, иш ҳақи ва истеъмол нархлари индекси ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд [6].

Шу сабабли, иш ҳақи ва нархларнинг мувозанатли даражасини таъминлаш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Бу жараёнда меҳнат бозори самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва инфляцияни назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, давлатнинг иқтисодий сиёсати иш ҳақи ўсиши ва нархлар барқарорлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида макроиқтисодиётда иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири эканлиги аниқланди. Иш ҳақи динамикаси аҳоли даромадлари ва истеъмол талабига бевосита таъсир кўрсатса, нархлар даражаси умумий иқтисодий муҳит ва инфляция жараёнларини ифодалайди. Шу жиҳатдан, ушбу икки кўрсаткич ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш иқтисодиётда барқарор ўсишга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иш ҳақининг асоссиз равишда тез суръатларда ўсиши инфляцион босимни кучайтириши мумкин, аксинча, унинг паст даражада сақланиши аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, иш ҳақи сиёсати иқтисодий реал омиллар, жумладан меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги муносабатга нафақат бозор механизм-

лари, балки давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Хусусан, пул-кредит ва фискал сиёсат орқали инфляцияни тартибга солиш ҳамда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- иш ҳақи ўсишини меҳнат унумдорлиги ўсиши билан мувофиқлаштириш орқали инфляцион босимнинг олдини олиш;

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобат муҳитини кучайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш;

- пул-кредит сиёсатини самарали юритиш орқали инфляция даражасини мақбул чегарада ушлаб туриш;

- меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш ва инсон капиталини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш;

- аҳоли даромадларини оширишда босқичма-босқич ва иқтисодий асосланган ёндашувни қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, иш ҳақи ва нархлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш иқтисодиётда барқарор ўсиш, инфляцияни назорат қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун мазкур йўналишда илмий асосланган ва мувозанатли иқтисодий сиёсатни амалга ошириш устувор аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mankiw N.G. Macroeconomics. – 10th ed. – New York: Worth Publishers, 2021. – 864 p.
2. Blanchard O. Macroeconomics. – 8th ed. – Boston: Pearson Education, 2020. – 580 p.
3. Keynes J.M. The General Theory of Employment, Interest and Money. London: Macmillan, 1936. – 472 p.
4. Samuelson P.A., Nordhaus W.D. Economics. – 19th ed. – New York: McGraw-Hill, 2019. – 744 p.
5. Phillips A.W. The Relation Between Unemployment and Inflation // Economica. – 1958. – Vol. 25, No. 100. – P. 283-299.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсати ҳисоботлари. – Тошкент, 2022-2024.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Расмий статистик маълумотлар. – Тошкент, 2023.

М.Мухаммедов Значение равновесия заработной платы и цен в обеспечении макроэкономической стабильности	M.Mukhammadov The Importance of Wage-Price Equilibrium in Ensuring Macroeconomic Stability
Аннотация. В статье исследуется проблема равновесного уровня заработной платы и цен в макроэкономике. Проанализированы факторы, влияющие на формирование заработной платы и цен, а также раскрыта их взаимосвязь. Кроме того, рассмотрена роль государственной политики и рыночных механизмов в обеспечении экономического равновесия. Результаты исследования показывают, что обеспечение пропорциональности между заработной платой и ценами способствует экономической стабильности. Ключевые слова: макроэкономика, заработная плата, цены, равновесие, инфляция, рынок труда, экономический рост, спрос и предложение, государственная политика, стабильность.	Abstract. The article examines the issue of the equilibrium level of wages and prices in macroeconomics. The factors influencing the formation of wages and prices are analyzed, and their interrelationship is revealed. In addition, the role of government policy and market mechanisms in ensuring economic equilibrium is considered. The results of the study indicate that maintaining proportionality between wages and prices contributes to economic stability. Keywords: macroeconomics, wages, prices, equilibrium, inflation, labor market, economic growth, supply and demand, government policy, stability.

ISSN 2091-5187

❧ “SERVIS” ❧

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

15.05.2026-yilda terishga berildi. 26.05.2026-yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0105A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.